

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"Angren logistika Markazi" AJ

Объявление

"ANGREN LOGISTIKA MARKAZI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

КУЗАТУВ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

**“Ангрен логистика маркази” АЖ**

**кузатув кенгаши аъзоларига**

### **ХАБАРНОМА**

Сизга “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиши 2023 йил 14 декабрь куни соат 18:00да видеоконференция шаклида бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Жамият кузатув кенгашининг ваколат доираси” деб номланган 75-моддасида Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш киради.

### **Кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартиби:**

1. “Ангрен логистика маркази” АЖ устав фондидаги 100 фоиз давлат акция пакетини биржа савдосига қўйиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қўшимча материаллар ва маълумотлар билан Кузатув кенгашининг йиғилиши ўтказиладиган кунга қадар Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биносида иш кунлари соат 10:00 дан соат 17:00 гача ёки жамиятнинг 78-150-10-30, 78-150-50-90 телефонлари, [www.clangren.uz](http://www.clangren.uz) (<http://www.clangren.uz/>) расмий веб-сайти, [www.clangren@bk.ru](mailto:www.clangren@bk.ru) (<http://www.clangren@br.ru/>) электрон манзил орқали танишиш мумкин.

### **Ижро органи**

13.12.2023

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16575/>

Дата: 25.06.2026